

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 11

464-1-22-ХТ/2022-son

31 «10» 2022 yil.

Ушбу пудрат шартномаси «*Буюртмачи*» деб аталувчи Избоскан тумани Халк таълими бўлими ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи раҳбари А.Абдукаrimov бир томондан ва «*Пудратчи*» деб аталувчи “TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI” МСНJ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи раҳбари М.К.Вахобов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «*Пудратчи*» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «*Буюртмачи*»нинг тасарруфидаги 16-умумий ўрга таълим мактабининг жорий таъмирлаш ишларини бажарив беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «*Буюртмачи*» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қийматига асосан жорий нархларда **32800000 ўттиз икки миллион саккиз юз минг** сўмни, жумладан ККС **4278260** (тўрт миллион икки юз етмиш саккиз минг икки юз олтмиш) сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил хисобланиб, фақатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор холатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Газначилик бўлимида рўйхатга олингандан сўнг 5 банк иш кунида «*Буюртмачи*» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизини туловлар кетма кетлигига асосан олдиндан аванс тариқасида «*Пудратчи*»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг колган 70 фоизи сўмини «*Пудратчи*» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида ўтказиб беради.

2.5. «*Буюртмачи*» охирги тўловни «*Пудратчи*» томонидан иш тўлиқ бажарив топширилиб, қабул қилиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 60 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «*Буюртмачи*» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «*Пудратчи*»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «*Буюртмачи*»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган тўлов жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб 15 кун муддат ичига ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графикига асосан 60 (олтмиш) кун муддатда ишларни бажарив топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «*Буюртмачи*»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. «*Пудратчи*»нинг хукуқлари

Бажарив берилган иш учун олдиндан аванс ҳак тўланишини ва ишни бажарив топширгандан сўнг тўла хажмда хисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажарив берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни копланишини талаб қилиш;

3.3. «*Буюртмачи*»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида хақ тўлаш;

3.4. «Буюртмачи»нинг хукуклари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини копланишини талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га хар бир кечикирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5% микдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и микдорида «Пудратчи» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида хақ тўланмаса, хар бир кечикирилган кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 %и микдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечикирилган тўловларнинг 50 %и микдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пенялар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгib бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарлиқдан озод этилиши Конун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик ўзгартарилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро мухокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро мухокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Конун хужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қиласи.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам хуқуқий жихатдан teng кучли хисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“Буюртмачи”

Избоскан туман Халқ таълими бўлими
Избоскан туман Нақшбанд кўчаси
ШХВ: 100022860032147092100075066
ИНН: 207125126 ОКОНХ 92310
ЎзР Мония вазирлиги Фазналилиги Ягона
Газна x/в 23402000300100001010
ИНН: 201122919 МФО: 00014 Марказийбанк
Тошкент шаҳар XKKM
Мудир: А.Абдукаримов



Мудир: А.Абдукаримов

“Пудратчи”

"TO'RTKO'L QURILISH ISHONCHI"
МСНJ Истиқол МФЙ Озодлик кўча 245
Хр: 20208000105077719001
Избоскан туман Агробанк АТБ
Избоскан филиали
МФО: 00045 СТИР: 306427468

Рахбар: М.К.Вахобов



М.К.Вахобов

	<p>Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.</p> <table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <tr> <td style="width: 30%;">Imzolovchi F.I.SH.</td> <td>AZIZILLO ABDUKARIMOV KOZIMJONOVICH</td> </tr> <tr> <td>Imzolangan sana</td> <td>31.10.2022 16:26</td> </tr> <tr> <td>Hujjat kodi</td> <td>TR1065471200</td> </tr> <tr> <td>Hulosa kodi</td> <td>GX4377454780</td> </tr> </table>	Imzolovchi F.I.SH.	AZIZILLO ABDUKARIMOV KOZIMJONOVICH	Imzolangan sana	31.10.2022 16:26	Hujjat kodi	TR1065471200	Hulosa kodi	GX4377454780
Imzolovchi F.I.SH.	AZIZILLO ABDUKARIMOV KOZIMJONOVICH								
Imzolangan sana	31.10.2022 16:26								
Hujjat kodi	TR1065471200								
Hulosa kodi	GX4377454780								

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

GX4377454780

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Izboskan tuman XTB qarashli 16-umumiy o‘rta ta’lim mактабining joriy ta’mirlash ishlarini bajarib beradi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Izboskan tumani xalq ta’limi tomonidan 28.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Izboskan tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



S.A.ALIХONOV

31.10.2022